



Ислом Нури

ажраласиз! Хохлаган ишингизни килинг, унга яраша мукофот оласиз!»- деди.

Аллох йўлидаги синглим, унутмангки, дунё фонийдир ва кайтиш Аллох таъолонинг хузурига: ё жаннатга, ёки жаханнамгадир! У ерда ўлимсиз мангулик, хукмлар кўтарилган хаёт бор. Аллох таъоло деди:

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقْوَاهُ وَاللَّهُ شَدِيدُ الْعِقَابِ
يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقْوَاهُ وَاللَّهُ شَدِيدُ الْعِقَابِ
33:33)

«Дархакикат, Аллохнинг (*кайта тирилтириб, ҳисоб-китоб килиш хақидаги*) ваъдаси ҳақдир. Харгиз сизларни дунё хаёти алдаб кўймасин! Ва харгиз сизларни алдагувчи (*яъни, шайтон*) Аллох билан (*у хар кандай гунохларни кечаверади деб*) алдамасин!».

Сингилим, дунё шахватлари учун нафс тизгинларини бўш кўйган канча-канча инсонларни кўрдик-ки, улар лаззат асирига айланиб, ўлим ва ҳисоб-китоб килиш кунининг келишини унутдилар. Улар солих кишилар насихат қилганларида, ёшликларини бахона қилишган ва чексиз орзуларга алданган эдилар. Ўлим келганидан сўнг эса, Аллох номига онт ичиб айтаман-ки, тупрокка дафн этилдилар, қилган ёмон ишларига гаров бўлдилар. Уларнинг лаззат олишлари тугади. Хонанда кизлар ундан ажрадилар. Унинг зиммасида жавобгарликлар қолди, холос. Аллохнинг хузурига фосиклар ва хаёсизларнинг амаллари билан келди!.. Аллох бизни ва сизни унинг номаларидек номадан, хотимасидек хотимадан асрасин!..

Эй, Аллохнинг чўриси, Аллохдан кўркинг ва такво килинг ҳамда сиз улар каби бўлманг!



Ислом Нури

Сиз бу дунё ўткинчи карвонсарой, охират эса олдингиздаги сафар эканини жуда яхши биласиз! Шундай экан, ёмон амалларингиз кўп ва яхши амалларингиз оз бўлса, бу дунёдан охиратга ўтиш лахзангиз қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида тафаккур қилиб кўринг! Ўлсак бизни тарқ этарлар
Ва топарлар катта роҳат.
Ўлгандан сўнг биз тирилсак
Хисоб – китоб бор ҳақиқат

Аллоҳ йўлидаги опа-сингилларим!

Билинглари, биз сафар жараёнидамиз. Унутманглари, ҳар бир бошланишнинг ниҳояси бор. Барчамиз хоҳ кичик ва хоҳ катта бўлайлик, бир кун келиб ўламиз ва одамлар эшигимизни қоқиб: «Фалончи қазо қилибди таъзиямизни қабул қилинглари! Ўлим барҳам»- деб айтадилар. Аллоҳ таъоло деди:

)□□□□□ □□□□□ □□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□
19:□) (□□□□□□□)

«Мана ўлим мастлиги (яъни, жон чиқар пайти) ҳақиқат рост (етиб) келди. (Эй инсон), бу (ўлим) сен қочувчи бўлган нарсадир»

Ўлим Қабр... . Хисоб-китоб.. . Яхшилиққа яхши ва ёмонлиққа ёмон муқофотлар

Мусулмонлар ичидан етишиб чиққан доно шоирлардан бири ушбу байтни ёзган:

Ётар жойимдан ажрадим, йўқолди ҳуш оромим...



Ислом Нури

Шоир бу сўзлари билан: «Оиламнинг уйдан кўшнилар хонадонига бир кеча ухлаш учун бордим. Бирок, ётоқ ва уйнинг фарқлилиги сабабли мишжа кока олмадим», демокчи.

- Кабр хакида нима фикрдасиз?
- У ердаги холатингиз нима бўлади?
- У ерда нима дейсиз ва у ерга кандай кўникасиз?
- Кизларингиз, отангиз, оилангиз ва уйларингиз каерда?!

Кабрдаги биринчи кеча... Биринчи ўтириш... «Саргайиш кечаси» деб номланган биринчи кеча... ўлим соати... Отангиз ва боболарингиз кўйилган чуқурга кафанларингиз билан ёткизилган илк кеча...

Шохлар у чуқурга кўйилдилар. Бирок, лашкарлари, кўрикчилари ва касрларини ташлаб кетдилар...

Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят килинган сахих-соглом хадисда ушбу сатрлар бор. Усмон разияллоху анху кабр устида турар экан йиглар, жаннат ва жаханнам эслатилса кабр устида йиглагани каби йигламас эди. Унга атрофидагилар: «Нега жаннат ва жаханнамни эслатилса йигламайсиз?!»- деб савол берганларида: **«Халилим (дўстим) (Мухаммад) соллаллоху алайхи ва саллам: «Кабр - охират манзилгохларининг биринчиси»- деган эдилар»**- деб жавоб берди.

Бу - мухтарам пайгамбар тарафидан айтилган рост сўзлардир.

Кабр - охират манзилгохларининг аввалидир.



Ислом Нури

Синглим, килган амалларингиз ва сўзлаган сўзларингиз билан танхо коладиган шу биринчи кеча хакида тафаккур килиб кўринг!

Аллох йўлидаги синглим, кабрда ўтказадиганингиз шу биринчи кеча хакида ўйлаб кўринг!

Чунки бу кеча хакидаги тафаккурнинг мўъминлар калбига таъсири, солих кишиларнинг калбига эса тоат-ибодатларга ундовчи турткиси бордир! Кабрдаги бу илк кечани унутманг! Ягона Кудратли зот билан учрашувга ўзингизни солих амаллар билан тайёрланг! Шояд шу билан у дахшатли кечада нажот топишингизга сабаб бўладиган Аллохнинг раҳматига сазовор бўлсангиз.

Алий разияллоху анху кабристон олдидан ўтар экан шундай деган эди:

«Дахшат ва мухтожлик хукмрон бўлган диёрнинг сохиблари, сизга саломлар бўлсин! Сизлар биздан аввал ўтдингиз ва бизлар сизларнинг ортингиздан келамиз. Бизлар тез кунларда хузурингизга етиб келамиз. Илохим, бизни ва уларни (нг гунохларини) кечир ва авф эт! Ўлим ва охиратни эслаб, хисоб-китоб учун иш килган одамларга хушхабарлар бўлсин!

Эй, кабрдагилар, хотинларингиз турмуш килдилар, уйлариингизга бошкалар жойлашдилар ва молу-мулкингиз таксимланди. Бу - биз тарафимиздаги хабарлар. Сиз тарафларда қандай хабарлар бор?! Нега жавоб бермаяпсизлар?!».

Сўнгра Алий разияллоху анху атрофидаги дўстларига бокиб: **«Агар улар жавоб берсалар эди, таквонинг энг яхши амал эканини айтган бўлар эдилар»**- деди-да, йигладилар ва атрофидагиларни ҳам



Ислом Нури

йиглатдилар.

Синглим, кабрдагиларнинг сукути билан алданманг! Чунки канча-канча жонлар бор-ки, кабрда хисоб килинади! Канча-канча жонлар бор-ки, кабрда фитналарга мубтало бўлади! Канча-канча жонлар бор-ки, азобланади! Канча-канча кабрлар бор-ки, унда ковургалар бири-бирига киришиб кетади!

Агар кабрнинг тили бўлса эди, шундай деган бўлар эди: **«Мен танҳолик, дахшат, гурбат, куртлар ва хорлик уйиман! Мен кафанни ипларидан, сонларни тиззалардан, тиззаларни болдирлардан, болдирларни бармоқлардан ажратаман. Агар корнимдаги ўликни уч кечадан сўнг кўрсангиз эди, кўрккан бўлар эдингиз: унинг кўзлари чанокларидан, дудоклари тишларидан ажралган, йиринг ва конлар огиз ва бурунларидан чиккан, коринлари отилиб чиккан ва кўкраклари кўтарилган!...»**. Роббим ўзинг раҳм кил! Роббим, ўзинг раҳм кил!!

Зийнатли кийимлар кийдик, юмшок ўриндикли машиналар миндик, мансаб ва вазифалар сохиби бўлдик! Бирок, кабрда нима кила оламиз! Кабристонга хайкирдим: «Кани азиз, кани мўътабар!».
Бирон сас йўк, гўё барча ўлмиш, хабар битмиш
Ўлган кимсалардан сўраган дўстим,
Сассизликда сен чун ушбу хабар битилмиш!

Нега тафаккур килмаймиз! Нега ибрат олмаймиз! Нега Ягона кудратли зот билан учрашишга хозирлик кўрмаймиз?!

Аллох таъоло деди:

